

Ҳоким ёрдамчилари аҳоли муаммолари билан ишламоқда



Хабарингиз бор жорий йил 10 январдан бошлаб тумандаги барча маҳаллада ҳоким ёрдамчилари фаолиятларини бошлади. Бугунги кунда ҳоким ёрдамчилари нима иш билан банд ва улар томонидан аҳоли муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш жараёнлари қандай ташкил этиляпти?

Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида журналист Термиз тумани "Орол" маҳалласида ҳоким ёрдамчисининг бир кунлик фаолиятини ўрганди. Жараёнлар "Сурхондарё" телеканалининг махсус репортажида ёритиб берилди.